



КОРХОНАЛАРДА ТИЖОРАТ РИСКЛАРИНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Шарипова Гулмира Тохировна

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0009-0009-6438-8992

Аннотация. Мақолада саноат корхоналарида маҳсулот харид атрибутларига кўра самарали маҳсулот портфелини шакллантириш ва шу асосда тижорат rischi даражасини камайтириш масалалари ёритилган. Парето оптимуми бўйича харид атрибутларининг тақсимот эгри чизиғига асосланган истеъмолчининг чекланган харид бюджети доирасида риск туфайли йўқотиш миқдорини аниқлаш услубиятини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

Калит сўзлар: тижорат rischi, тижорат риск даражаси, таваккалчилик, хавф-хатар, Парето оптимуми, Лайкерт шкаласи, харид атрибути.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ОЦЕНКИ КОММЕРЧЕСКИХ РИСКОВ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ

Шарипова Гулмира Тохировна

Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В статье рассмотрены вопросы формирования эффективного продуктового портфеля и снижения уровня коммерческого риска. Доказаны возможности применения методологии определения потери вызванных коммерческих риском в рамках бюджета покупки, на основе кривой распределения атрибутов покупки в соответствии с оптимумом Парето.

Ключевые слова: коммерческий риск, уровень коммерческого риска, рискованность, оптимум Парето, шкала Лайкерта, атрибуты покупки.

IMPROVING THE METHODOLOGY FOR ASSESSING COMMERCIAL RISKS AT SUBJECTS

Sharipova Gulmira Tokhirovna

Samarkand Institute of Economics and Service

Annotation. The article considers the issues of forming an effective product portfolio and reducing the level of commercial risk. The possibilities of applying the methodology for determining the loss caused by commercial risk within the purchase budget, based on the curve of the distribution of purchase attributes in accordance with the Pareto optimum, are proved.

Keywords: commercial risk, level of commercial risk, riskiness, Pareto optimum, Likert scale, purchase attributes.

Кириш.

Мамлакатимизда тўқимачилик маҳаллий саноатнинг етакчи тармоқларидан бири сифатида тадбиркорликнинг энг натижадор йўналиши бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда тўқимачилик саноатида "...50 хил турдаги янги маҳсулотларни маҳаллийлаштириш" бундай лойиҳалар учун тижорат банкларига 100 млн.АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилиши" вазибалари белгиланиб, саноат экспортидаги улушини сезиларли даражада ошириш кўзда тутилган.

Саноат корхоналарида фойданинг йўқотиш хавфини тижорат rischi билан боғлиқ бўлиб, келгусида тижорат rischi даражасининг ошиб кетмаслигини таъминлаш мақсадида товар ассортиментни (маҳсулот портфели) ёки буюртма қийматини риск даражасининг энг оптимал даражасида истеъмолчиларнинг талабларига энг мувофиқ келувчи харид атрибутлари асосида шакллантириш, тижорат rischi даражасини баҳолаш ва уни пасайтиришга қаратилган илмий тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Корхоналарда тижорат riskларини баҳолаш бўйича хорижлик олимлардан Викулов (2013)нинг илмий ишлари саноат корхоналарида айланма маблағлар билан боғлиқ riskларни молиявий йўқотишнинг математик кутилишини минималлаштириш, кредит маблағларини ва дебитор қарздорликларни сўндиришнинг оптимал муддатига асосланиб бошқариш асосида riskларни камайтиришга қаратилган.

Михайловский (2021) савдо корхоналарида харидорларнинг товар брендга мойиллик даражаси, товарнинг функционал хусусияти, ташқи кўриниши ва кафолатли сервис хизмати кўрсатиш каби кўрсаткичлар асосида товар қаторининг сифат кўрсаткичини баҳолаш ҳамда risk даражасини камайтиришни таклиф қилган.

Бектемиров (2022) томонидан хизмат кўрсатиш субъектларининг тадбиркорлик фаолиятида инвестицион лойиҳалар riskини баҳолашда хизмат кўрсатиш турларининг riskка мойиллик даражаларини гуруҳлаш таклиф қилинган бўлиб, шу орқали баҳолаш сифатини оширишга ва инвестицион ресурслардан оптимал фойдаланиш имконияти очиб берилган.

Қамбаров (2023) илмий тадқиқотларида қурилиш материаллари саноати корхоналарига таъсир қилиши мумкин бўлган ички ва ташқи riskларни эксперт баҳолашнинг рейтинг тизимини қўллаш орқали risk омилларининг 15-20 %га камайишига ҳамда ишлаб чиқаришдаги яроқсиз (брак ва дефект) маҳсулотлар ҳамда узилишларни камайтириш ҳисобига материал кўринишидаги йўқотишлар 9-10% га камайишига эришиш мумкинлиги асослаб берилган.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот давомида индукция ва дедукция, гуруҳлаш, мантиқий таҳлил усуллардан фойдаланилган. Тадқиқот натижаларини умумий яхлит тарзда ифодалаш мақсадида жадвал ва расмлардан фойдаланилган. Тадқиқот методологияси тижорат riskи даражасини камайтиришда товар ассортиментининг risk даражасининг энг оптимал даражасини таъминлаш имконини берувчи харид атрибутлари асосида шакллантириш, харид атрибутининг балл кўрсаткичи энг юқори бўлганда энг юқори сифат даражасини белгилашлиги ва тижорат risk даражаси энг кам бўлиши ҳақидаги гипотезага асосланган.

Таҳлил натижалар муҳокамаси.

Тижорат riskларини баҳолаш энг аввало улар таъсирида йўқотилиши мумкин бўлган йўқотишларни аниқлашга қаратилади. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, risk даражаси ва улар таъсирида кутилаётган йўқотишга баҳо беришда иқтисодчи олимлар томонидан таҳлилнинг статистик усулларига асосий устунлик берилади. Бунинг

асосий сабабларидан бир тижорат фаолияти билан боғлиқ жуда кўплаб маълумотларнинг мавжудлиги, статистик маълумотлар ишончлилик даражасининг юқорилиш ҳамда ушбу маълумотларни исталган корхона даражасида тўплаш мумкинлиги билан ҳам изоҳлашимиз мумкин.

Бизга маълумки, рискларни йўқотишнинг амалда имкони мавжуд эмас, фақатгина уларнинг даражасини баҳолашимиз, шунга асосланган ҳолда зарарли таъсирни камайтиришга эришиш мумкин бўлади, демак бундан келиб чиққан ҳолда корхоналарда риск даражаси тушунчасига ҳам алоҳида ёндашувлар мавжуд бўлиши керак экан. Бугунги кунда риск даражасини баҳолашнинг кўплаб ёндашувлари мавжуд бўлиб рискнинг “қуйи”, “ўрта” ва “юқори” чегараларини аниқлашга қаратилган таҳлил усуллари амалиётда қўллашда қулай ва содда ҳисобланади.

Рискнинг қуйи (мумкин бўлган) даражаси – риск таъсирида кутилаётган миқдори кутилаётган фойда(P_p) миқдоридан кам;

Рискнинг ўрта (критик) даражаси – риск таъсирида йўқотилиши мумкин бўлган миқдор кутилаётган фойда(P_p) миқдори даражасида ёки олинган даромад даражасида бўлиши мумкин;

Рискнинг юқори (ҳалокатли) даражаси – риск таъсирида йўқотилиши мумкин бўлган миқдор даромад ҳажми, шунингдек корхонанинг ўзлик капитали даражасида бўлиши мумкин (Тымуль, 2017).

Тижорат рискининг асосий кўрсаткичлари сифатида корхонанинг сотишдан тушган тушум, сотишдан олинган фойда, муомала ва бошқарув харажатлари, рентабеллик кўрсаткичлари кабилар бўлиши мумкин (Фомин, 2019). Маълумки, эконометрик таҳлилларда иқтисодий кўрсаткичларнинг тасодифий миқдори тушунчаси мавжуд бўлиб, уни ҳодисанинг математик кутилиши m ва ўртача квадратик четланиши σ орқали ифодаланади. Иқтисодий кўрсаткичнинг математик кутилиши деганда унинг ўртача кутилаётган қиймати тушунилади, квадратик четланиш эса мана шу ўртача қийматдан қанчалик оғиши(камайиши ёки кўпайиши)ни англатади. Айнан мана шу салбий оғиш қиймати биз тадқиқ қилаётган риск сифатида изоҳланади. Квадратик четланиш σ даражаси қанчалик катта бўлса, рискнинг салбий таъсири шунчалик катта деб ҳисобланади. Иқтисодий кўрсаткичнинг ўртача қиймати ва ушбу қийматдан четланиши вариация коэффиценти орқали ифодаланади (Кремер ва бошқ, 2002). Вариация коэффицентини чегаравий баҳолайдиган бўлсак, риск даражасининг қуйи {0,25 - 0,5}, ўрта {0,5 - 0,75} ва юқори {0,75 - 1,0} даражаларини ифодалайди.

Маълумки, саноат корхоналарининг иқтисодий фаолиятига кўплаб омиллар таъсир кўрсатади, шу билан бирга алоҳида олиб қаралган омилнинг таъсири бошқа омиллар таъсирида кучайиши ёки пасайиши ҳам мумкин. Шу боисдан ҳам қуйи, ўрта ва юқори оралиқларда баҳолаш асосида рискларнинг мумкин бўлган энг кам зарарли таъсир даражасини баҳолаш асосида ушбу риск таъсирини тўлиқ ҳисобга олиш имконияти пайдо бўлади. Амалиётда ушбу мақсадда Лайкерт шкаласидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ (Ибодов, 2022). Лайкерт шкаласи орқали рискларнинг нейтрал даражасини, мумкин бўлган энг қуйи оптимал даражасини ҳам оралиқ баҳолаш имконияти кенгайди:

Риск даражасини кўрилган зарар миқдорининг сарфланган маблағлар ҳажми Q га нисбати орқали риск коэффиценти K_r сифатида орқали ҳам баҳолашимиз мумкин. Яъни: $K_r = R/Q$. масалан, савдо хизматлари кўрсатиш учун ҳар ойда 12000 минг.сўм маблағ йўналтирилиб 412,5 минг фойда олинган. Тижорат рисклари туфайли корхона фойдаси 170,0 минг сўмни ташкил этган бўлса риск коэффиценти $K_r = (412,5 - 170,0)/12000,0 = 0,02$ га тенг бўлади. Риск даражасининг чегаравий баҳоси сезиларсиз.

**Тижорат рисклари даражасини баҳолаш чегарасини Лайкерт шкаласи
асосида кенгайтириш²⁶⁸**

Рискли ҳодисанинг рўй бериш эҳтимоли (вариация коэффиценти)	Рискнинг даражасини оралиқ баҳолашнинг чегаралари	
кўйи	0,0–0,1	сезиларсиз
	0,11–0,3	сезиларли
	0,31–0,4	ўртача
	0,41–0,6	юқори
ўрта	0,61–0,8	критик
юқори	0,81–1,0	ҳалокатли

Таъкидлаш жоизки, тижорат rischi кўплаб омиллар таъсирида шаклланади, шу сабабли унинг пайдо бўлишига сабаб бўладиган айнан бир омилни аниқлаш мураккаб. Масалан сотув ҳажмини ошириш учун меҳнат унумдорлигини ошириш, ходимлар иш ҳақини ошириш талаб этилади. Кўшимча инвестиция жалб қилиш орқали товар ассортиментини кенгайтиришимиз, бозор тадқиқотлари ўтказишимиз мумкин. Албатта, ушбу шартларнинг барчасини қониқтирувчи ва фойда ҳажмини максималлаштириш имконини берувчи оптимал ечимга эга бўлган мақсадли функция мавжуд эмас, шунинг учун ечимга олиб келмайдиган омилларни шунчаки риск сифатида баҳолаймиз. Мақсадли функция ушбу мезонлар қийматини энг катта (кичик) даражасини аниқлашга имкон бериши керак.

Ушбу йўналишда ечимга олиб келмайдиган омилларни риск сифатида баҳолаш ва риск даражасини оптималлаштиришда кўпомилли ёндашув масалалари В.Парето томонидан таклиф қилинган бўлиб, кўплаб омилларнинг йиғиндиси ёки кўпайтмаси сифатида умумий скаляр қийматга келтирилишига асосланади (Любушин ва бошқ., 2013). Бунда ҳар мезон меъёрлаштирилган, аниқ қийматга эга бўлиши, ҳар бири учун аҳамиятлилик даражаси (рўй бериш эҳтимоли) аниқланган бўлиши керак. Шу асосда омиллар боғлиқлигида мақсадли функцияни ҳосил қилишимиз, функция ечими сифатида эса мезонларнинг энг оптимал қилматларини топиш мумкин бўлади. Яъни

$$Q = \sum (M_j; P_j)$$

бу ерда P_1, P_2, \dots, P_m мақсадли функциянинг скаляр мезонлари, M_j аҳамиятлилик даражаси, $\sum M_j = 1$. M_j қанчалик катта бўлса, j -мезоннинг Q га таъсири шунчалик сезиларли бўлади, аксинча P_j мезонларнинг қиймати кичик бўлиши ижобий ҳисобланади (Бродецкий, 2006).

Таъкидлаш жоизки, корхоналар фаолиятининг мувафақияти товар (хизмат)лар ассортиментига, бозорда талаб ва таклифнинг чуқур таҳлиliga ҳамда бозор конъюнктураси прогнози асосида самарали шакллантирилган маҳсулот портфелига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу боисдан ҳам ҳам келгусида тижорат rischi даражасининг ошиб кетмаслиги учун товар ассортиментини (маҳсулот портфели) ёки буюртма қийматини риск даражасининг энг оптимал даражасида истеъмолчиларнинг талабларига энг мувофиқ келувчи харид атрибутлари асосида шакллантириш лозим бўлади. Амалиётга доир масала сифатида “Afrasiab Jeans” МЧЖ да ишлаб чиқарилаётган 7 турдаги трикотаж маҳсулотларининг ҳар бирини кафолат муддати – $K_{км}$, оғирлиги $K_{оғ}$, пухта-пишиқлиги – $K_{пп}$, эстетик хусусиятлари – $K_э$, таркибидаги пахта улуши – $K_{п.у}$, мато кенглиги – $K_{мк}$, тўқиш усули – $K_{т.ўс}$. бўйича 5 та харид атрибути орқали баҳоланди (2-жадвал).

²⁶⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2-жадвал

“Afrasiab Jeans” МЧЖ товар assortimenti va ularning texnik parametrarlari²⁶⁹

Харид атрибутлари	Материал (Деним) тури				
	Deep-Blue	Blue od Black	Pure Indigo	Marine-Blue	Blue
Кафолат муддати (Ккм), йил.	2	2	2	2	2
оғирлиги K_{of} , гр	0,6	0,12	0,45	0,12	0,39
пухта-пишиқлиги – $K_{пп}$, кг/см	0,60	0,53	0,60	0,53	0,51
эстетик хусусиятлари – $K_э$	28	34	30	33	31
таркибидаги пахта улуши – $K_{п.у}$, %	100	95	97	97	97
мато кенглиги – $K_{МК}$	140-180	140-180	140-180	140-180	140-180
тўқиш усули – $K_{т.ўс}$ *	3 / 1Z 3	2 / 1Z, 2	3 / 1S 3	4 / 1Z 4	4 / 1Z 4
нархи, минг.сўм/м	50,0	65,0	60,0	68,0	64,3

1-жадвал кўрсаткичларининг аҳамиятлилигини ва рейтингини аниқлашда жуфт-жуфт таққослаш усулидан фойдаланамиз (3-жадвал). Матрица тўлдирилгач, сатрлар бўйича баллар йиғиндисини топамиз. Бу ерда n – кўрсаткичлар сони, $n = 7$. Бундан:

$$\sum_{i=1}^n S_i = n^2 = 7^2 = 49 \tag{1}$$

Аҳамиятlilik даражаси M_i сифатида рейтинг(ранг)и R_i энг юқори бўлган кўрсаткич олинади, чунки M_i нинг энг юқори қиймати $R_i = 1,0$ ни беради.

3-жадвал

“Afrasiab Jeans” МЧЖ товар assortimenti va ularning харид атрибутларининг жуфт таққослаш матрицаси²⁷⁰

	$K_{км}$	K_{of}	$K_{пп}$	$K_э$	$K_{п.у}$	$K_{МК}$	$K_{т.ўс}$	Рейтинги / тўплаган балл	атрибутнинг аҳамиятlilik даражаси
$K_{км}$	1	0	1	0	2	1	1	6=6	0,12
K_{of}	2	1	2	2	2	2	1	1=12	0,24
$K_{пп}$	2	0	1	0	0	1	0	7=4	0,08
$K_э$	2	0	2	2	0	2	1	2=9	0,18
$K_{п.у}$	2	0	2	2	1	0	1	3=8	0,16
$K_{МК}$	1	0	2	0	0	1	0	5=4	0,08
$K_{т.ўс}$	1	0	1	1	0	2	1	4=6	0,12

Фараз қилайлик, материаллар харид атрибутининг балл кўрсаткичи энг юқори бўлганда энг юқори сифат даражасини белгилайди ва тижорат риск даражаси энг кам бўлади. Шунга асосланган ҳолда 1-жадвалдаги маълумотларни тенг интервалли гуруҳга ажратиш орқали баҳолаймиз (4-жадвал). Гуруҳлар сони Стерджес формуласига кўра қуйидагига тенг:

$$k = 1 + 3,322 \ln N = 5,34 \approx 5 \tag{2}$$

²⁶⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

²⁷⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

“Afrasiab Jeans” МЧЖда материаллар харид атрибутининг кўрсаткичларининг интервалли гуруҳланиши²⁷¹

	1	2	3	4	5
K_{KM}	2,0	2,0	2,0	2,0	2,0
K_{OF}	0-0,22	0,23-0,31	0,32-0,41	0,42-0,50	0,50-0,60
$K_{ПП}$	0-0,53	0,54-0,55	0,551-0,56	0,57-0,58	0,59-0,60
$K_{Э}$	0-29,20	29,3-30,4	30,5-31,6	31,7-32,8	32,9-34,0
$K_{П.У}$	0-96,0	96,1-97,0	97,1-98,0	98,1-99,0	99,1-100,0
$K_{МК}$	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0
$K_{Т.ЎС}$	0-2,40	2,41-2,80	2,81-3,20	3,21-3,60	3,61-4,0

Ушбу маълумотлари асосида ҳар бир материалнинг харид атрибутини баҳолаймиз:

$$Q(a_i) = \sum_{i=1}^n M_i B_i(p_i) \tag{3}$$

- $Q_{Deep-Blue} = 0,12*5+0,24*5+0,08*5+0,18*1+0,16*5+0,08*5+0,12*3=3,94;$
- $Q_{Blue\ or\ Black} = 0,12*5+0,24*1+0,08*1+0,18*5+0,16*1+0,08*5+0,12*1=2,50;$
- $Q_{Pure\ Indigo} = 0,12*5+0,24*4+0,08*5+0,18*2+0,16*2+0,08*5+0,12*3=3,40;$
- $Q_{Marine-Blue} = 0,12*5+0,24*1+0,08*4+0,18*4+0,16*2+0,08*5+0,12*5=3,20;$
- $Q_{Blue} = 0,12*5+0,24*3+0,08*1+0,18*3+0,16*2+0,08*5+0,12*5=3,26.$

$Q_{DB} > Q_{PI} > Q_B > Q_{MB} > Q_{BB}$ тенгсизликка асосланиб Deep-Blue материал турини харид қилиш эҳтимоли юқори эканлигини кўришимиз мумкин.

Фараз қилалик, $Q_{DB} > Q_{PI} > Q_B > Q_{MB} > Q_{BB}$ тенгсизлик ва интеграл кўрсаткичлар “Afrasiab Jeans” МЧЖда ишлаб чиқарилаётган материал(деним) турларининг истеъмолчи учун энг мақбул бўлган харид атрибутини белгилайди. У ҳолда нарх-сифат тамойилига кўра энг кичик бўлган қиймат бўйича танловни амалга оширамиз:


$$Q_{Blue} = 65300 / 3,26 = 20030,7$$

$$Q_{Blue\ or\ Black} = 65000 / 2,5 = 26000,0$$

$$Q_{Deep-Blue} = 50000 / 3,94 = 12690,4$$

$$Q_{Marine-Blue} = 68000 / 3,2 = 21250,0$$

$$Q_{Pure\ Indigo} = 60000 / 3,40 = 17647,1$$



1-расм. “Afrasiab Jeans” МЧЖда ишлаб чиқарилаётган материалларнинг Парето тақсимооти бўйича нарх-сифат уйғунлиги ²⁷²

²⁷¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

²⁷² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ҳисоблаш натижаларига кўра Blue or Black материал(деним)нинг харид атрибутлари нарх/стифат уйғунлигига кўра энг оптимал қийматга эга.

Истеъмолчи энг минимал саъй-ҳаракатлар эвазига юқори самарага эришиши ёки нарх сифат уйғунлиги (20% маблағ сарфлаб 80% сифатга)га эришиш учун энг кам маблағ сарфлаши мумкинлиги ҳақидаги фараз (Ильиных, 2023) га асосланиб энг кам зарар кўриш имконини берувчи маблағларнинг тақсимотини кузатамиз (2-расм).

1-расмдан кўриниб турибдики, истеъмолчи томонидан товарнинг харид атрибути учун йўналтириладиган маблағи миқдори Парето диаграммаси бўйича материаллар параметрлари асосида тақсимот эгри чизиғи 16,3% бўлганда нарх/сифат уйғунлигига эришади. Яъни:

$$\sum Q(a_i) = 3,94 + 2,50 + 3,40 + 3,20 + 3,26 = 16,30$$

Шунга асосланиб “Afrasiab Jeans” МЧЖнинг ҳар бир материал турининг харид атрибутлари интеграл кўрсаткичи бўйича сарф қилинадиган маблағ ва йўқотилиши мумкин бўлган фойда миқдорини аниқлаймиз:

$$Q_{\text{Blue}} = \frac{Q(a_i)}{\sum Q(a_i)} = \frac{3,94}{16,30} \approx 24,2\%$$

Blue материали бўйича йўқотиш даражаси: $24,8 - 20,0 = 4,8\%$

$$Q_{\text{Blue or Black}} = \frac{Q(a_i)}{\sum Q(a_i)} = \frac{2,50}{16,30} \approx 15,3\%$$

Blue or Black материали бўйича йўқотиш даражаси: $15,3 - 20,0 = -4,7\%$.

$$Q_{\text{Deep-Blue}} = \frac{Q(a_i)}{\sum Q(a_i)} = \frac{3,40}{16,30} \approx 20,9\%$$

Deep-Blue материали бўйича йўқотиш даражаси: $20,9 - 20,0 = 0,9$

$$Q_{\text{Marine-Blue}} = \frac{Q(a_i)}{\sum Q(a_i)} = \frac{3,20}{16,30} \approx 19,6\%$$

Marine-Blue материали бўйича йўқотиш даражаси: $19,6 - 20,0 = -0,4$.

$$Q_{\text{Pure Indigo}} = \frac{Q(a_i)}{\sum Q(a_i)} = \frac{2,26}{16,30} \approx 20,0\%$$

Pure Indigo материали бўйича йўқотиш даражаси: $20,0 - 20,0 = 0,0$.

Ҳисоблаш натижаларига асосланиб, келгусида товар харидини ҳосил қилинган улушларда амалга ошириш кўзда тутилади ва энг кўп фойда келтирадиган оптимал маҳсулот портфелини шакллантиришиз мумкин бўлади.

Ҳисоблаш натижаларига кўра риск даражасини манфий ишора билан ҳосил қилинган қийматлар йиғиндисини орқали аниқлашимиз мумкин: яъни:

$$(-4,7\%) + (-0,4\%) = -5,1\%$$

Лайкерт шкаласи бўйича такомиллаштирилган интервал бўйича бу ўртача кўрсаткич сезиларсиз $\{0,0 < r > 0,1\}$ ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар.

Корхоналарда тижорат рискининг салбий таъсирини камайтириш мақсадида товар ассортиментни (маҳсулот портфели) ёки буюртма қийматини риск даражасининг энг оптимал даражасида истеъмолчиларнинг талабларига энг мувофиқ келувчи харид атрибутлари асосида шакллантириш лозим. Тадқиқот жараёнида танлаб олинган материаллар (деним) бўйича “Afrasiab Jeans” МЧЖда нарх-сифат уйғунлигининг Парето оптимуми 82,3% ни ташкил этади, демак ушбу материаллар кесимида самарали маҳсулот портфелини шакллантириш мумкин. Тадқиқот асосида тижорат рискинни камайтириш бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

– тижорат рисқи даражасини оптимал даражага пасайтириш учун “Afrasiab Jeans” МЧЖ товар гуруҳи бўйича энг муҳим харид атрибутларини аниқлаш зарур;

– “Afrasiab Jeans” МЧЖ тижорат риск даражаси 5,1% ни ташкил этган бўлиб, Blue or Black ва Marine-Blue материалларининг харид атрибутларини бойитиш асосида риск даражасини энг кам даражага пасайтиришга эришиш мумкин.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Ibodov K.M. (2022) *Marketing tadqiqotlari. O'quv qo'llanma. T.*, “IQTISOD-MOLIYA” nashriyoti, 260 b. 172 bet.

Kambarov J.X. (2023). *Raqamli iqtisodiyot sharoitida sanoat korxonalarida riskni boshqarish metodologiyasini takomillashtirish. Iqtisodiyot fanlari doktori (DSc) dissertatsiyasi avtoreferati, TDIU. Toshkent, 2023 y.*–82 b.

Бектемиров А.А. (2022). *Тадбиркорлик рисklarини баҳолаш ва пасайтириш йўллари (хизмат кўрсатиш корхоналари мисолида). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, ТДИУ. Тошкент, 2023 й.*–56 б.

Бродецкий Г.Л. (2006) *Моделирование логистических систем. Оптимальные решения в условиях риска.* -М.: Вершина, 376 с.

Викулов А.В. (2013). *Управление экономическими рисками по стадиям кругооборота оборотных средств промышленного предприятия.* авт.реф. дис. к.э.н. Челябинск –24 стр.

Ильиных, Д.Е. (2023) *Применение принципа Парето в бизнесе / Д. Е. Ильиных, А. И. Сократова, Е. О. Александров // Современные научные исследования: проблемы, тенденции, перспективы : сборник научных трудов по материалам XI Международной научно-практической конференции, Анапа, 16 января 2023 года. – Анапа: Общество с ограниченной ответственностью «Научно-исследовательский центр экономических и социальных процессов» в Южном Федеральном округе, – С. 78-81.*

Кремер Н.Ш., Путко Б.А. *К79 Эконометрика: Учебник для вузов / Под ред. проф. Н.Ш. Кремера.* - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2002. - 311 с.

Любушин Н.П., Брикач Г.Е. (2013) *Использование оценки Парето-эффективности производства с оптимальным разделением на постоянные и переменные затраты // Экономический анализ: теория и практика. №12 (315).*

Михайловский Д.А. (2021) *Концептуальные основы управления рисками торговых предпринимательских структур в условиях неопределенности и воздействия повышенных внешних рисков /Д.А.Михайловский, В.А.Кунин//Экономические науки – №195– С.93-100*

Тымуль Е.И. (2017) *Основные этапы процесса управления рисками с учетом технологических особенностей производства //Экономическая наука сегодня. №6. С.269–275.*

Фомин Г.П. (2019) *Идентификация и классификация рисков в торговле. Вестник Российского экономического университета имени Г.В. Плеханова. (1): 154-161. <https://doi.org/10.21686/2413-2829-2019-1-154-161>*